

*Илова №5*

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
иқтисодий фаолият миллий банки”

Акциядорлик жамиятининг  
25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар  
йиғилиш баёни билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ  
БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ  
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Тошкент - 2019**

# **“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

## **I. Умумий қисм**

**1.** Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги қонунлари ва “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк) Уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Банк Кузатув кенгашининг мақомини белгилайди, унинг ишини ва Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш тартибини, уларнинг асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солади.

**2.** Банк Кузатув кенгashi Банкнинг бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва ўз вазифаларини бажариш учун жавобгардир. Банкнинг кузатув кенгashi банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир. Кузатув кенгashi Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалардан ташқари, Банк фаолиятига тааллукли барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

**3.** Банк Кузатув кенгashi Банк акциядорларининг умумий йиғилишига хисобдордир.

## **II. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доираси**

**4.** Банк Кузатув кенгashi ваколатига қўйдаги масалалар киради:

1) Банк ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар түғрисида жамият Банк бошқарувининг ҳисботини муентазам равишда эшлишиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун хужжатларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини таёрлаш;

4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Корпоратив бошқарув хизмати фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

7) Банк мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Банкнинг ижро органини (бошқарувини) шакллантириш, банк бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайналаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Банкнинг келгуси йил учун бизнес-режаси Банк Кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

10) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшишиб бориш, Банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк бошқарувидан олиш. Банк кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

13) Банк тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

14) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;

15) Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

16) Банк филиалларини ташкил этиш, Банкнинг ваколатхоналари ва бошқа бўлинмаларини очиш, уларни тугатиш, филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

17) Банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

18) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар, Банкнинг аффилланган шахслари (боғлиқ шахслар) билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

19) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

20) Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шунингдек уларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш, ҳосилавий қимматли қоғозлар, депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

22) қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

23) Банкнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари ва тартибини белгилаш;

24) Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) Банк акцияларини ва эмиссия рисоласини чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш, ҳамда аввал рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

26) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини

лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

27) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги заарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

28) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

29) Банкнинг молиявий ҳолатни тиклаш режаларини тасдиқлаш;

30) Банк бошқаруви фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

31) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

32) Банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

33) Банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳсласиши;

34) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

35) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисбот тақдим этиш;

36) йиллик молиявий ҳисботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

37) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

38) қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банкнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

**5.** Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

**6.** Банк Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиши учун қўйидаги масалалар бўйича таклифлар киритади:

Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Банкни қайта ташкил этиш ёки тутатиш;

Банкнинг йиллик ҳисботи, бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботни, фойдани тақсимлаш ва заарни қоплаш тартибини

тасдиқлаш. Банкнинг йиллик ҳисботи Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш санаисигача камида 10 кун аввал Банк Кузатув кенгашининг дастлабки тасдиғидан ўтказилиши керак;

Банк харажатларини тасдиқлаш ва уни Банкнинг ривожлантириш Бизнес-режаси билан солиштириш;

акциялар бўйича йиллик дивиденд миқдорини ва уни тўлаш тартибини белгилаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

акцияларни майдалаш ва жамлаш;

акциялар очиқ ёзилиш йўли билан жойлаштирилган тақдирда, акциядорнинг қимматли қоғозларни сотиб олишга бўлган устувор хуқуқини акцияга конвертация қилинадиган қимматли қоғозларни сотиб олишга қўлламаслик тўғрисида қарор ва ушбу қарорнинг амал қилиш муддати тўғрисида қарор қабул қилиш;

кредитлаш, активлар ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва Банк мижозларига янги турлардаги хизматларни кўрсатиш борасида Банк сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш.

### **III. Банк Кузатув кенгашининг бурчлари**

**7. Банк Кузатув кенгашининг бурчларига қўйидагилар киради:**

Банкни ҳолисона бошқаришни таъминлаш, ўз ваколатларини Банк акциядорларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини жорий назорат қилиш. Ҳар чорақда Банк Бошқаруви ҳисботларини, шунингдек Банкнинг йиллик Бизнес-режасини бажариш масалаларини тинглаш;

Банкни мутаносиб равишда капиталлашувини таъминлаш;

банк фаолиятининг стратегиясини ташкил қилиш;

Банк фойдалилигини мониторинг қилиш;

Банкни ривожлантиришнинг Бизнес-режаси ижросини назорат қилиш;

Банк Бошқарувини ташкил қилиш;

Банк ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш. Ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини ҳар чорақда мунтазам эшлитиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;

Қонун ҳужжатларига, Банк уставида ва ички норматив ҳужжатларига мавофик Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

### **IV. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш**

**8. Банк Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 5 кишидан иборат бўлади.**

**9.** Банк Кузатув кенгаши аъзолигига бир йил муддатга Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан сайланади.

**10.** Банк Кузатув кенгаши таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

**11.** Банк Бошқаруви аъзолари Банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**12.** Банк Кузатув кенгаши таркибиға камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда, давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод қўрсатиш ҳамда Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Қўйидаги шахс Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида Банкда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

Банкнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

Банкнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

Банк ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

Банкнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичидаги уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка оловччиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўтгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

**13.** Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан Банк Кузатув кенгашини чақириб олиш ва Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш ҳуқуқига эга.

**14.** Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Банк Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзоси (барча аъзолари)нинг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

**15.** Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

**16.** Банкнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига мазкур органнинг миқдорий таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар қўрсатиши

мумкин.

**17.** Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар. Номзод:

Банкнинг акциядори бўлиши ёки юридик шахс-банк акциядорининг манфаатларини ифода этиши;

олий маълумотга эга бўлиши;

банк ва хўжалик қонунчилигини бўйича етарли билимга эга бўлиши лозим.

**18.** Банк Кузатув кенгашига номзод кўрсатиш ҳакидаги таклифларни киритаётганда, жумладан, ўзини-ўзи қўрсатганда номзоднинг исми, унга тегишли бўлган банк акцияларининг сони ва тури, шунингдек, номзодни кўрсатувчи акциядорларнинг исми, уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

**19.** Акциядор ўзига тегишли бўлган акциялар бўйича бир номзод учун тўлиқ овоз беришга ёки уларни бир неча номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

**20.** Энг кўп овоз олган номзодлар Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

**21.** Банк Кузатув кенгаши аъзосининг ваколати қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

ўз ваколатини ихтиёрий равища зиммасидан соқит қилса;

ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида хабар олинса;

у бошқараётган юридик шахснинг банкрот бўлганлиги ҳақида хабар олинса.

Ваколатни тўхтатиш ҳақидаги қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади, мазкур аъзони Банк Кузатув кенгаши таркибидан чиқариш ҳақидаги масала яқин орада бўлиб ўтадиган Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилади.

**22.** Кузатув кенгаш аъзоси сайланган муддати тугамасдан Кузатув кенгаш таркибидан чиқиб кетган тақдирда, унинг ўрнига қолган муддатга Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида Кузатув кенгашга янги аъзо сайланади.

## **V. Банк Кузатув кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш**

**23.** Банк Кузатув кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Кузатув кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Кузатув кенгаш таркибидан сайланади.

**24.** Банк Кузатув кенгаши ўзининг Раиси ва унинг ўринбосарларини Кузатув кенгаш жами аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайтадан сайлашга ҳақлидир.

**25.** Банк Кузатув кенгаши раиси:

Банк Кузатув кенгаши ишини ташкил қилади;

Банк Кузатув кенгаши мажлисини чақиради ва унда раислик қилади;

йиғилишда баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади;

Қонунчилікда күзда тутилган равищда Банк Бошқаруви Раисини ёллаш ҳақидаги меҳнат шартномасини Банк номидан имзолайди;

қонун ҳужжатларида ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

**26.** Банк Кузатув кенгаши Раисининг ўринбосари Банк Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган вақтда унинг вазифасини вақтинча бажаради.

Банк Кузатув кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосари бўлмаган ҳолларда Раис вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларининг қўпчилик овози билан белгиланган Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

## **VI. Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тартиби**

**27.** Банк Кузатув кенгаши мажлиси унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

**28.** Банк Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раиси томонидан унинг шахсий ташабbusи билан ёки қуидагилар талаб (таклиф) қилганда чақирилади:

Банк Кузатув кенгашининг аъзоси;

Тафтиш комиссияси;

Банк Бошқаруви;

Ички аудит хизмати раҳбари;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки;

ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар (акциядор).

**29.** Банк Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш ҳақидаги хабар Кузатув кенгаш аъзоларига мажлис ўтказиш вақти, жойи ва кун тартибига киритилган масалалар кўрсатилган ҳолда факс, телеграмма ёки хат ташувчи орқали мажлис ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин юборилади.

**30.** Банк Кузатув кенгашининг кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар лойиҳаси, маълумотномалар ва зарур бўлган маълумотлар Банк Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ тайёрланади, қўшимча масалалар бўйича эса уларни киритган ташабbusкорлар томонидан тайёрланади. Кузатув кенгашнинг кун тартибидаги барча масалалар, қоидага кўра, олдиндан Банк Бошқаруvida муҳокама қилинади.

Кузатув кенгаш аъзолари қўшимча маълумотларни, зарурат туғилганда Банк Бошқаруви аъзолари орқали сўраб оладилар.

**31.** Агар Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида 75 фоизи Кузатув кенгаш мажлисида қатнашса, бундай ҳолларда у ваколатли ҳисобланади.

**32.** Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони сайланганларнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашнинг қолган аъзолари факат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари йиғилишини чақириш ҳақида қарор

қабул қилиш ҳуқуқига эга.

**33.** Банк Кузатув кенгашининг мажлисини Банк Кузатув кенгashi Раиси ёки унинг вазифасини вақтинча бажарувчи олиб боради. Мухокамадан сўнг раислик қилувчи томонидан таклиф қилинган кун тартиби ва унга киритилган масалаларнинг муҳокама этиш тартиби қабул қилинади. Кузатув кенгаш аъзолари кўпчилик овоз билан мажлис кун тартибига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

**34.** Банк Кузатув кенгashi мажлисидаги қарорлар иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Овозлар teng бўлганда, Банк Кузатув кенгashi Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисда қарорларни қабул қилиш, қоидага кўра, очик, овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Яширин овоз бериш фақат Банк Кузатув кенгashi аъзоларидан бирининг талаби билан ўтказилади.

**35.** Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

**36.** Банк Кузатув кенгашининг мажлисида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан Банк Бошқаруви Раиси ва Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзолари, зарур бўлганда, Саноқ комиссияси аъзолари иштирок этадилар.

Кузатув кенгаш мажлисига Бошқарув Раисининг ўринbosарлари, Банк Бошқарувининг аъзолари, бўлинмаларнинг раҳбарлари, шунингдек муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

**37.** Банк Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси ёзиб борилади. Банк Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтгандан кейин 10 кундан кечикмай тузилади.

Мажлис ёпилгач, Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари кун тартиби бўйича олган материалларни мажлис баённомасини ишлаб чиқишида уларнинг фикр мулоҳазаларини ҳисобга олиш учун қайтариб берадилар.

**38.** Банк Кузатув кенгashi мажлисининг баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овозга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Мухокама қилинаётган масала юзасидан яқдиллик бўлмаган тақдирда ким «рози», ким «қарши», ким «бетараф» овоз берганлиги номма-ном кўрсатилади.

**39.** Банк Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Банк Кузатув кенгashi мажлиси баённомасининг асл нусхаси доим сақланиши лозим бўлган ҳужжат ҳисобланади ва у имзолангач, архивга топширилгунча Банк Бошқаруви Раиси хузуридаги котибиятда темир шкаф (сейф)да сакланади.

**40.** Банк Кузатув кенгashi баённомалари имзоланган куни Банк Бошқарувига

ижро этиш учун топширилади. Банк Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк Бошқарувига Банк Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

**41.** Давлат, банк ёки тижорат сири деб ҳисобланган масалалар бўйича Банк Кузатув кенгаши мажлисинг баённомасига тегишли ёзувлар киритилади. Банк Кузатув кенгашининг қарорлари билан (банк ёки тижорат сири деб ҳисобланганлардан ташқари) Банк акциядорлари таниширилиши мумкин.

## **VII. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг хукуқлари ва бурчлари**

### **42. Банк Кузатув кенгашининг аъзоси қўйидаги хукуқларга эга:**

Банк Кузатув кенгашининг мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала юзасидан ажратилган вақт регламенти доирасида сўзга чиқиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш;

Банкнинг муайян даврдаги фаолияти натижалари ва уни ривожлантириш режалари ҳақида ишончли ва тўлиқ маълумотлар олиш, Банк мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобвараклари ва омонатлари бундан мустасно;

Кузатув кенгашда қўриб чиқиш учун Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Банк Кузатув кенгашида унга юкланган вазифаларни бажаргани учун муайян мукофот олиш.

### **43. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:**

Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш;

Банк обрўсининг ошиши, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланишига йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига эришиш;

ўз лавозим ваколатларидан вижданан, шунингдек, Банкнинг уставдаги вазифаларини бажаришда энг мақбул усуслан фойдаланиш;

Банк Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва аудитор эътиборига қўйидаги ахборотни етказиш:

а) ўзлари мустақил ёки алоқадор шахс (шахслар) орқали овоз берувчи акциялар (улушлар, пайлар)ининг 10 фоизи ва ундан ортиқ қисмига эга бўлган юридик шахслар тўғрисида;

б) бошқарув органларида ўзлари раҳбарлик лавозимларида бўлган юридик шахслар тўғрисида;

в) уларга маълум, ўзлари манфаатдор шахс деб тан олинишлари мумкин бўлган, Банк билан амалга оширилаётган ёки мўлжалланган битимлар тўғрисида.

Банк Кузатув кенгаши мажлиси ва Акциядорларнинг умумий йигилишида у манфаатдор шахс деб тан олиниши мумкин бўлган Банк билан тузилаётган битим тўғрисида масала ҳал қилинаётганда муҳокама ва овоз беришда қатнашмаслик.

**44. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг вазифаларини Кузатув кенгаши Раиси тақсимлайди.**

**45.** Банк Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши ёки Банк Бошқарувининг у ёки бу қарорни қабул қилишида кўрсатган таъсири учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

**46.** Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Банкнинг имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти доирасидаги имкониятлар, Банкнинг фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлари)дан ўзининг шахсий бойиши учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

**47.** Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз бурчларини бажарганликлари учун акциядорларнинг умумий йиғлиши қарори билан Банк фаолиятининг молиявий натижалари ва уларнинг Кузатув кенгаши ишидаги иштирокига мутаносиб миқдорда ҳақ оладилар.

Банк Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бир чорак учун базавий ҳисоблашнинг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғлиши қарорида белгиланади.

Банк Кузатув кенгаши аъзоси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Банкнинг мулкидан фойдаланиш, ўз ҳизмат вазифалари билан боғлиқ барча харажатлар бадалини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга.

### **VIII. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш**

**48.** Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Банк Кузатув кенгаши томонидан қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

акциядорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Банк фаолиятини ташкил қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг тайёрланиши ва ўтказилиши, овоз бериш ва овозларни санаш, қарорлар қабул қилиш жараёнларини назорат қилиш;

устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, қўшимча қимматли қофозлар чиқариш ва бошқа йўллар билан Банк устав капиталининг улуши ўзгартирилган ҳолларда акциядор ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик;

Банкнинг дивиденд сиёсатини тасдиқлан;

Банк акциядорлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Бошқарувнинг ноқонуний ва билимсизлик билан қилган ҳаракатлари ҳақидаги акциядорларнинг таклиф ва шикоятларини қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш.

### **IX. Банк фаолиятини назорат қилиш**

**49.** Банк Кузатув кенгаши Бошқарувдан вақти-вақти билан Банкнинг фаолияти ва молиявий ахволи ҳақида, уларни яхшилаш бўйича тавсиялар киритган ҳолда, ёзма равишда ҳисобот ва шарҳларни олади, шунингдек Бошқарув Раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини тинглаши мумкин.

Кузатув кенгаш аъзолари бундай ҳисобот ва тавсияларнинг тўғрилигини ва амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширади.

**50.** Банк Кузатув кенгашининг доимий назорат предмети деб, чунончи қўйидаги молиявий коэффициентлар ҳисобланади:

активларга нисбатан даромад;  
оддий акциялар буйича даромад;  
умумий фоиз маржасининг миқдори;  
активларга нисбатан фоизларни тўлаш билан боғлик бўлмаган Банк  
ҳаражатлари;  
барча кредитларга нисбатан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг хиссаси;  
йирик кредитларнинг суммаси;  
Банк билан боғлик бўлган (аффилланган) шахсларга кредитлар.

**51.** Банк Кузатув кенгаши Банк маблағларининг иш ҳақи фондини оширишга сарфланиши, Банк ходимларига рағбатлантирувчи устама ва ижтимоий имтиёзлар тўлови юзасидан қатъий назоратни амалга оширади; улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аппаратни сақлаб туришга банк даромадларини оқилона сарфлаш мақсадида аппарат тузилмаси ва ходимлар сонини таҳлил этади.

## X. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш

**52.** Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқаруви иштирокида кадрлар сиёсатини, малакали раҳбарлар ва ходимларни жалб этиш ва уларни ушлаб туриш, Банкнинг Уставида кўрсатилган ўз вазифаларини бажаришида уларнинг жавобгарлигини назорат қиласида амалга оширади.

**53.** Кадрлар сиёсатига қўйидагилар киради:

Банкда ишлаш учун мутахассисларни танлаш тизими;  
ходимларга ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш тизими;  
ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;  
раҳбарлик лавозимлари бўш қолган ҳолларда вакансияларни бутлаш;  
Банк раҳбарияти, мутахассислари ва бошқа ходимларини ишдан бушатиш мажбурий бўлган холатларини белгилаш;  
ходимлар фаолиятини баҳолашнинг расмий тартиби.

**54.** Банк Кузатув кенгаши ёллашнинг контракт тизими буйича Банк ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари тузилишини назорат қиласида.

**55.** Банк Кузатув кенгаши қўйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади:

Бошқарув аъзолари ва Банкнинг асосий хизматидаги раҳбарларнинг ишига баҳо бериш мезони;  
ахлоқ (этика) кодекси ва манфаатлар низосини бартараф этиш бўйича чоратадбирлар;

Банк мансабдор шахсларининг лаёқатсизлиги, виждонсизлиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабабларга кўра зиммасига юклатилган вазифалардан четлаштириш шартларининг рўйхати.

## XI. Банкнинг мутаносиб сармояланишини қўллаб-куvvatlash

**56.** Банк капиталини сақлаш ва унинг банк операциялари кўлами ва хатар даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Банк Кузатув кенгаши:

эҳтимолий йўқотишларга қарши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб берган миқдорда Банк томонидан махсус заҳира яратилишини назорат қиласди;

Банк Бошқарувидан банк таваккалчилигининг Марказий банк белгилаганидан юқори бўлмаган даражада таъминланишини талаб қиласди;

Банк акцияларини жойлаштириш чораларини кўради;

Банк капитали ва умумий заҳираларининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

## **XII. Банкни ривожлантириш бизнес-режасини тузиш ва бажариш**

**57.** Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарув билан биргаликда (мустакил тарзда ва четдан маслаҳатчи ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда) Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

**58.** Банк Кузатув кенгаши Банкни ривожлантириш стратегик режаси ва бизнес-режасининг Банк Бошқаруви томонидан бажарилишини назорат қиласди.

**59.** Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режаси зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадида, қоидага кўра, камида бир йилда бир марта қайта кўриб чиқиласди.

## **XIII. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги**

**60.** Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.